



Ҳожатга борсангиз, бавлда ҳам, қазои ҳожатда ҳам қиблага юзланманглар, унга орқа ҳам ўгирманглар. Шарққа ёки ғарбга қараб ўтиринглар

Абу Айюб Ансорий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳожатга борсангиз, бавлда ҳам, қазои ҳожатда ҳам қиблага юзланманглар, унга орқа ҳам ўгирманглар. Шарққа ёки ғарбга қараб ўтиринглар», дедилар. Абу Айюб айтадилар: «Шомга келсак, ҳожатхоналар қибла томонга қаратиб қурилган экан. Шунинг учун биз ундан (қибладан) бурилиб ўтирар ва (чиққандан сўнг) Аллоҳдан мағфират сўрардик».

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам пешоб ёки қазои ҳожат ўтамоқчи бўлган инсонни қибла томонга қараб ёки унга тескари ўтириб ҳожат ўташдан қайтардилар. Агарда қибласи Мадина аҳлининг қибласидай бўлса шарққа ёки ғарбга қараб бавл қилишга буюрдилар. Сўнгра Абу Айюб разияллоҳу анҳу шомга келганларида унинг ҳожат ўташ учун қурилган ўтирғичлари қибла томонга қараб қурилган ҳолда кўрганларини айтдилар. Улар қибла томондан бурилиб ҳожат ўтар эдилар, лекин шунга қарамай Аллоҳга истиғфор айтар эдилар.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/3078>

